

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни



Холислик ва ҳозиржавоблик —

миллий матбуотимизнинг асосий тамойили

➤ Мухаррир минбари

Жамиятда кечаётган демократик ислохотларнинг изчиллигини таъминлаш ва янада чуқурлаштириш, аҳолининг мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этишига замин яратишда ахборот эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр-мулоҳазаларини эмин-эркин ифода этадиган холис минбарга айлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида айтиб ўтилганидек, инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлиги мамлакатимизда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шarti, таъбир жоиз бўлса, тамал тошидир.

Мустақиллик йилларида бу мақсадга эришиш борасида

самарали ишлар қилинди. Оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий асосини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга мос келадиган қонунчилик базаси яратилди. Жумладан, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши одамларнинг ўзлари истаган ахборотни ҳеч бир монеликсиз олиш, айни чоғда, ахборотни муҳофаза қилиш, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавф-

сизлигини таъминлаш имконини берди. Матбуот ва ОАВнинг норматив-ҳуқуқий базаси мустаҳкамлангани сари унинг мустақиллиги, эркинлиги ҳам кучайди. Натижада миллий матбуотимиз саҳифаларида собиқ тузум шароитида тақиқлаб қўйилган гоёта муҳим ва долзарб мавзулар, танқидий ўйланмаган қарорлар қабул қилишдан тийилишлари ло-

➤ Ишчи гуруҳи йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси ишчи гуруҳи аъзоларининг навбатдаги йиғилишида "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси юзасидан иккинчи ўқишга тайёрланётган таклифлар муҳокама қилинди.

Инвестицион фаолиятнинг кафолатлари

янада аниқ ва очиқ ифодаланиши зарур

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳасининг асосий мақсади ҳўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг инвестиция жараёнларида иштирокини янада кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга инвестициялар киритиш учун қўшимча рағбат ва шарт-шароит яратиш, шунингдек, инвестицияларни рағбатлантириш усулларини кенгайтириш, инвесторларнинг ҳуқуқлари ва мулкани ҳимоя қилишдан иборатдир.

Инвестиция жараёнларининг субъектлари, хусусан, инвесторлар, буюртмачилар, лойиҳа ишлаб чиқувчилар, пудратчилар, таъминотчилар ва бошқаларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари ушбу қонун лойиҳасида мустаҳкамлаб қўйилаётганлиги мамлакатимизда инвестицион фаолиятни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари доирасида амалдаги солиқ ва божхона имтиёзлари ва преференциялари хатловдан ўтказилиши натижасида инвестиция фаолиятини рағбатлантириш тўғрисидаги модда киритилиб, шу орқали бир қатор янги нормалар қўшилмоқда.

Шу билан бирга ҳужжатда инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари батафсил ифодаланиб, инвестицияларнинг барча шакл ва кўринишларини амалга ошириш тартибларига оид тушунчалар киритилмоқда.

Умуман ушбу қонун хусусий инвестицияларни рағбатлантириш ва республикада инвестиция соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда муҳим ҳужжат бўлади.

Оксфорд университети олимлари йирик гидроиншоотлар қурилиши мақсадга мувофиқ эмаслигини асослаб берди

Дунёдаги қадимий ва энг нуфузли тадқиқот марказларидан бири — Оксфорд университетининг (Буюк Британия) бир гуруҳ етакчи олимлари чуқур комплекс тадқиқот ўтказиб, ривожланаётган мамлакатларнинг энергия таъминоти муаммоларини кўп маблағ талаб қиладиган гидроэлектр станциялар қуриш орқали ҳал этиш мақсадага мувофиқ эмаслиги тўғрисида илмий асосланган хулосага келди.

Оксфорд университети олимлари А.Ансар, Б.Флай-бьерг, А.Бадзиер ва Д.Ланн замонавий статистика услубларидан фойдаланган ҳолда, сўнгги 70 йилда беш қитъа ва 65 мамлакатда қурилган 245 йирик тўғонни таҳлил қилиб, йирик гидроэнергетика иншоотларини қуриш нечоғли мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги масала юзасидан илмий асосланган ва далиллар билан исботланган батафсил тадқиқот натижалари «Энергетика сиёсати» халқаро журналида чоп этилган «Йирик тўғонлар барпо этиш керакми. Гидроэнергетик мегалойиҳаларни амалга оширишнинг реал қиймати» мақо-ласида баён этилган.

Британиялик олимларнинг хулосасига кўра, йирик тўғон-лар қуриш бўйича ҳар тўрт лойиҳанинг учтасини қуриш жараёнида уларнинг қиймати ортиб борган. Яъни, уларнинг ҳақиқий қиймати лойиҳа қий-

матидан ўртача 96 фоиз ёки қарийб икки баробар кўпайган. Тадқиқот шуни кўрсатдики, йирик тўғоннинг лойиҳада белгиланган қийматини етарлича баҳоламаслик эҳтимоли бугун ҳам 1934 йилдаги каби юқори-лигича қолмоқда.

Тадқиқот давомида йирик мегатўғонларни барпо этиш бундай лойиҳалар қийматининг шиддатли ўсиши билан боғлиқлиги аниқланган: баландлиги 100 метр бўлган тўғонни қуриш, одатда, 50 метр-лик тўғонни қуришдан тўрт марта қimmatга тушади. Олимлар тўғонларнинг лойиҳалаштирилаётган ва якуний қиймати ўртасидаги фарқ мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражасига боғлиқлигига алоҳида эътибор қаратган. Бу борада махсус ўтказилган статистик таҳлил даромад даражаси паст бўлган мамлакатлар йирик тўғонлар қуриш қиймати етарлича баҳоламасликка мойиллигини кўрсатди. Шу

муносабат билан тадқиқот муаллифлари қуйидагиларни таъкидлаган: «Ривожланаётган мамлакатлар, йирик тўғонлар каби мураккаб иншоотларга гўё эҳтиёж юқори туолса-да, ўз имкониятларидан келиб чиқиб, ҳар томонлама пухта ўйланмаган қарорлар қабул қилишдан тийилишлари ло-

зим». Тадқиқот муаллифлари тўғонлар қурилишининг қиймати ошишини таҳлил қилиш барибара, бундай қурилишнинг лойиҳада кўзда тутилган муддати билан уни қуриб битказиш муддати ўртасидаги тафовутни ҳам ўрганиб чиқди. Бу борада улар ўн та йирик тўғоннинг саккизтаси лойиҳада кўзда тутилган муддатларда ниҳоясига етказилмаганини аниқлади. Объектни фойдаланишга топшириш бўйича лойиҳада назарда тутилган муддатдан орқада қолиш вақти ўртача 44 фоиз ёки 2,3 йилни ташкил қилган.

Статистик таҳлил шуни кўрсатдики, баландлиги 150 метрдан юқори бўлган мегатўғонни қуриш муддати бундан пастроқ бўлган шундай иншоотни барпо этишга кетадиган ўртача муддатдан анча кўп, яъни 8,6 йилни ташкил этади.

Гўзал Фарғонанинг янги қиёфаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 26 июнь куни Фарғона вилоятига келди.

Фарғона вилояти ўзининг ер ости ва ер усти бойликлари, ривожланган саноат ва коммуникация тармоқлари билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутди. Вилоятнинг иқтисодий салоҳияти барча соҳаларни изчил ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 107,6 фоизни ташкил этади. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, хизматлар кўрсатиш соҳаларида барқарор ўсиш суръатлари таъминланди.

Давлат бюджети ижроси устидан парламент назорати

маблағларнинг мақсадли сарфланишида муҳим омил бўлмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кўн тартибига мувофиқ депутатлар дастлаб, Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2013 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — молия вазири Р.Азимов мавзуга қилди.

Дастурхонларимиз тўкинлиги —

халқимиз фаровонлиги ифодаси

➤ Давра суҳбати

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан Сурхондарё вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида Президентимиз Ислам Каримовнинг "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" мавзусидаги халқаро конференциясида сўзлаган нутқининг мазмун-моҳияти ҳамда конференция якунларидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Унда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят, шаҳар, туман Кенгаши депутатлари, партиянинг вилоят, шаҳар, туман кенгаши раислари, партия аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Сессияга

масала киритилди

➤ Депутатлик гуруҳларида

Халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессиясида Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи томонидан илгари сурилган "Термиз шаҳрида муқобил энергия манбаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантириш тўғрисида"ги масала муҳокама этилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Давлат бюджетети ижроси устидан парламент назорати

маблағларнинг мақсадли сарфланишида муҳим омил

Давлат Бюджет Комиссияси

Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати ижроси устидан парламент назорати Қонунчилик палатасининг устувор вазифалари жумласига киради, шу сабабли у депутатлар корпусининг диққат марказида бўлди.

Мажлисда таъкидланганидек, мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати 2013 йилда илгари Олий Мажлис томонидан тасдиқланган параметрларга мувофиқ, даромадлар ҳаражатлардан оширилган ҳолда ижро этилди. Иқтисодий дастурнинг энг муҳим устуворликлари аниқ мақсадни кўлаб ва тизимли амалга оширилиши натижасида, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамай, ўтган йилда Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори суръатларида ўсиши, макроиқтисодий мувозанатлиликни сақлаш, модернизация ва диверсификация қилиш таъминланди. Мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 8,8 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 6,8 фоизга, чакана товар айланishi 14,8 фоизга ўсди.

2011-2015 йилларда саноатнинг устувор соҳаларини ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибидега юқори қўшимча қийматга эга бўлган рақобатдор маҳсулотлар тайيارланаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда ушбу тармоқлар мамлакатимиз саноат маҳсулотининг 78 фоиздан ортигини ишлаб чиқармоқда.

Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида 2013 йилда қарийб 970 минг киши иш билан таъминланди. Бундан 60 фоиздан ортиги қишлоқ жойларида ишга жойлаштирилди. Шу жумладан, кичик корхоналар, микрофирмалар ва яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 480 мингдан ортиқ, қасаначиликни кенгайтириш ҳисобидан эса 210 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди.

Ўтган йили ҳукумат ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш масалаларига катта эътибор қаратди. 2013 йилда халқимизнинг реал даромадлари 16 фоизга ошди, бюджет ташкилотлари ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар 20,8 фоизга кўпайди. 2013 йилда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий кўлаб-қувватлаш ҳаражатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 58,7 фоизини ташкил этди. Таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, спорт, оммавий ахборот воситаларини сақлаб туриш ва ривожлантириш учун талай маблағлар йўналтирилди.

Даромадлар ва жамғармаларнинг ўсиши аҳолининг ҳарид қилиш имкониятлари ошириб боришини таъминлади. 2000-2013 йилларда аҳолининг истеъмол ҳаражатлари 9,5 баравар ошди. Энг муҳим истеъмол маҳсулотлари турлари сифат жиҳатидан ўзгарди. Бунда кейинги йилларда жон бошига тўғри келадиган энг муҳим озиқ-овқат товарлари бўйича истеъмол ҳажми муттасил ўсиб борди, айтини вақт-

да ноозик-овқат маҳсулотларини харид қилиш ва хизматлар учун тўланадиган сарф-харажатлар миқдори сезиларли равишда кўпаймоқда. Масалан, мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида гўшт истеъмоли — 1,4 бараварга, сут — 1,3 бараварга, сабзавот ва полиз маҳсулотлари — 2,6 бараварга, картошка — 2 бараварга, мевалар истеъмоли — 6,4 бараварга ошди.

Юртимизда узоқ мuddат фойдаланишга мўлжалланган ноозик-овқат товарлар билан таъминлаш борасидаги аҳвол ҳам тубдан ўзгарди. Оилаларнинг замонавий маиший-техника, шу жумладан, холодлик, кондиционер, шахсий даражасини муттасил ошириб бориш масалаларига катта эътибор қаратди. 2013 йилда халқимизнинг реал даромадлари 16 фоизга ошди, бюджет ташкилотлари ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар 20,8 фоизга кўпайди. 2013 йилда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий кўлаб-қувватлаш ҳаражатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 58,7 фоизини ташкил этди. Таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, спорт, оммавий ахборот воситаларини сақлаб туриш ва ривожлантириш учун талай маблағлар йўналтирилди.

Даромадлар ва жамғармаларнинг ўсиши аҳолининг ҳарид қилиш имкониятлари ошириб боришини таъминлади. 2000-2013 йилларда аҳолининг истеъмол ҳаражатлари 9,5 баравар ошди. Энг муҳим истеъмол маҳсулотлари турлари сифат жиҳатидан ўзгарди. Бунда кейинги йилларда жон бошига тўғри келадиган энг муҳим озиқ-овқат товарлари бўйича истеъмол ҳажми муттасил ўсиб борди, айтини вақт-

турларини молиялаштиришга, 17,3 миллиард — инновация лойиҳаларини молиялаштиришга, 37 миллиард сўм фани ривожлантиришга хизмат қиладиган ноёб объектлар ва муассасаларни муҳофаза қилишга йўналтирилди. «Адолат» социал-демократик партияси вакиллари иқтисодиётни инновацион ривожлантириш ва мамлакатимизнинг илмий-техника салоҳиятини ошириш тарафдори эканликларини билдирдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокама жараёнида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2013 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

Куннинг иккинчи ярмида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2014 йил I чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринбосари М.Мирзаев маъруза қилди.

Қайд этилдики, Давлат бюджетети 2014 йилнинг I чорагида ҳам мамлакатимизнинг Бюджет кодекси асосида аввал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган параметрларга мувофиқ, профицит билан ижро этилди.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган энг муҳим устуворликлар ва вазифаларнинг амалга оширилиши 2014 йилнинг биринчи чорагида ҳам мамлакат иқтисодиёти ўсишининг ижобий динамикаси сақланишини таъминлади. Жорий йилнинг уч ойида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 7,5 фоизни ташкил этди, саноат маҳсу-

лотлари ишлаб чиқариш ҳажми — 8,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш — 6,2 фоизга, чакана савдо айланмиси — 14,3 фоизга ўсди.

Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи чорагида 227,9 мингта иш ўрни, шу жумладан, қишлоқ жойларида 137 мингтадан зиёд иш ўрни яратилди. «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган жисмонан соғлом, маънавий етуқ, баркамол авлодни тарбиялашга доир чора-тадбирларни фаоллик билан амалга ошириш бошланди. Ана шу мақсадлар учун жорий йилнинг биринчи чорагида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан бир триллион сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2014 йил I чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳар томонлама муҳокама қилиш жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар. Улар мамлакатимизнинг жорий йилги асосий молиявий ҳужжати параметрлари барча давлат ва хўжалик органлари томонидан аниқ ижро этилиши зарурлигини алоҳида қайд этидилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2014 йил I чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

Қаҳрамон Қўлдошев, «Adolat» мухбири

Инвестицион фаолиятнинг кафолатлари

янада аниқ ва очиқ ифодаланиши зарур

Давлат Бюджет Комиссияси

Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида ишчи гуруҳи аъзолари иқтисодиётга инвестицияларни жалб этиш учун қўшимча шароит яратиш, инвестицияларни рағбатлантириш, инвесторларнинг ҳуқуқлари ва мулкани ҳимоя қилишга қаратилган маъмур қонун лойиҳаси иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, уни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратиш тарафдори бўлган Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг дастурий йўналишлари мос эканлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида инвестицияларни амалга ошириш шакллари қаторига интеллектуал объектларга доир мулк ҳуқуқи қўшилганлиги партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларига тўла мослигини қайд этиб ўтилди.

Инвестиция фаолиятининг жадаллик билан ривожланишига ушбу жараён иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатлари қонунда давлат томонидан етарли даражада кафолатланиши муҳим аҳамият касб этади, — деди фракция аъзоси Тўлқин Абдусатторов. — Қонун лойиҳасида ушбу кафолатларни таъминловчи нормаларнинг ижро механизми етарли даражада аниқ, очиқ, лўнда берилмаслиги қонуннинг яхши ишламаслигига ва жараёнларнинг секинлашувига сабаб бўлиши мумкин. Шу муносабат билан инвестиция фаолияти субъектлари ҳуқуқларининг давлат томонидан кафолатланиши қонун лойиҳасида алоҳида берилиши ҳамда ушбу кафолатларнинг шакллари батафсил, очиқ ифодаланиши

мақсадга мувофиқдир. Бу ўз навбатида, инвестицион жараёнда хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли иштирокининг янада кенгайишига хизмат қилади.

Ишчи гуруҳи аъзоси Мавлуда Нишонваннинг фикрича, кўриб ўтилаётган қонун лойиҳасининг 30-моддасида «Инвестиция фаолиятини чеклаб қўйиш, тўхтатиб туриш ёки тугатиш» қондаси тартибга солинган бўлсада, бироқ қонунда белгиланган шаклда чеклаб қўйилган, тўхтатиб турилган ёки тугатилган инвестиция фаолиятини қайта тиклаш тартиби қайд этилмаган. Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси бўйича илгари сурилаётган тақлифлар ичида қонун лойиҳасига янги норма киритиш тақлифи ҳам билдирилди. Унга мувофиқ янги нормада «Чеклаб қўйилган, тўхтатиб турилган ёки тугатилган инвестиция фаолиятини қайта тиклаш» тартибига оид норма киритилиши мақсадга мувофиқлиги ишчи гуруҳи йиғилишида муҳокама қилинди. Бундан ташқари, қонунчилик техникаси ва мантиқий изчилик талабига мувофиқ қонун лойиҳасидаги 31-ҳамда 32-моддаларнинг ўрнини алмаштириш зарурлиги юзасидан ҳам ишчи гуруҳи аъзолари келишиб олдилар.

Йиғилишда ишчи гуруҳи аъзолари томонидан қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан билдирилган 20 дан ортиқ тақлиф-тавсияларнинг 10 дан ортиги танланиб, умумлаштирилиб, тегишли қўмитага киритишга келишиб олинди.

Илбос САХАТОВ, «Adolat» мухбири

Дастурхонларимиз тўкинлиги — халқимиз фаровонлиги ифодаси

Давлат Бюджет Комиссияси

Таъкидланганидек, истиқлолнинг илк кунларидан мамлакатимиз олдида глобал муаммолардан бири бўлган озиқ-овқат мустақиллигига эришиш ҳамда унинг хавфсизлигини таъминлаш масаласини ҳал этишдек ҳаётий вазифа кўндаланган турарди. Шу боис, юртимизда бу долзарб масалани ижобий ҳал этиш, аҳолини етарли миқдорда сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида бир қатор қонунлар, фармон ва қарорлар, давлат дастурлари қабул қилинди ҳамда уларнинг изчил ижроси таъминланди. Бунда, биринчи навбатда, илгор агросаноат технологияларини қўллаш, қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси, ирригация ва мелиорация тизимларини ривожлантириш, реконструкция қилиш, маркетинг ва жаҳон бозорларига чиқиш бўйича янги технологияларни жорий этишга эътибор қаратилди. Натижада кўплаб мамлакатлар учун аҳолини сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш масаласи асосий муаммага айланган бир пайтда Ўзбекистонда ушбу соҳада жуда катта ютуқлар қўлга киритилди. Хусусан, мамлакатимиз қисқа мuddатда хариддоригир қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирадиган ва экспорт қиладиган давлатга айланди.

Пойтахтимизда ўтказилган халқаро конференция озиқ-овқат дастурини амалга ошириш тажрибасини янада ривожлантириш, янги билим ва технологиялар билан боитиш учун имконият беради, янги алоқаларни йўлга қўйиш, ҳамкорлик

қўламини кенгайтиришга замин яратади.

Президентимизнинг пойтахтимизда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи бундан дунёда ўзбек номи яна бир бор ҳавас билан жараңлашига сабаб бўлди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Раъно Гаимова. — Муҳими, Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳасидаги тажрибаси барчанинг эътиборини тортди. Аҳолини мазази, экологик тоза ва хавфсиз мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш, уларни қайта ишлаб, экспорт қилиш борасида амалга оширилаётган ишларимизга халқаро жамоатчилик юксак баҳо берди.

Тан олиш керак, Ўзбекистон қисқа даврда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида катта натижаларга эришди. Юртимиз 23 йил ичида бугдойни импорт қилувчи давлатдан уни ўзининг эҳтиёжидан ортиқ, экспорт қиладиган мамлакатимизга амалга оширилаётган изчил ислохотлар муваффақиятининг яққол исботидир. Бугун дунё ўзбек дастурхонига ҳавас билан қараётгани сабаби ҳам шунда.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ушбу халқаро конференциянинг юртимизда ижтимоий соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришдаги аҳамиятини юқори баҳо-

лайди. Озиқ-овқат таъминоти, шу билан бирга, экспортни оширишга қаратилган сиёсатни ўзининг дастурий мақсадларига мос, деб билади ҳамда унинг ривожланишини қўллаб-қувватлайди. Кези келганда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда юртимизда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган қатор дастурлар амалга оширилмоқда. Маъмур жараёнда партиямиздан сайланган барча даражадаги депутатлар фаол иштирок этиши, хусусан, соҳага оид қарор ва фармонлар ҳамда давлат дастурлари ижроси устидан депутатлик назоратини ўрнатишлари лозим.

Юртимизда қишлоқ хўжалиги ва полиз маҳсулотлари етиштирилишида етарли тажриба тўпланган, — деди халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши депутати А.Ортиқов. — Айниқса, серкўёш ўлкаимизнинг жанубий ҳудуди бўлган воҳамизда етиштирилаётган, кўёш тафтига тўйинган мева ва сабзавот маҳсулотлари ўзининг мазаси, кўриниши билан ажралиб туради. Иқлимимиз илиқ ва қўлай бўлганлиги сабабли, айниқса, богдорчилик ишлари кўнгилдагидек олиб борилади. Буни биз бир-гина богдорчилик, мева ва сабзавот етиштиришда амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган муваффақиятлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Бугунги кунда вилоятимизда фаолият кўрсатаётган 5000 дан ортиқ фермер хўжалиқларининг 1756 та айнан богдорчилик ва узумчиликка ихтисослаштирилганлиги, уларнинг умумий майдони 33 000

гектарни ташкил этаётганлиги фикримиз исботидир. Воҳамизнинг шимолий ҳудудлари ҳисобланмиш Шўрчи, Денов, Сарийосиё, Олтинсой, Узун туманларида янгидан барпо этилаётган интенсив боғлар ҳам мева етиштиришда яхши самара бермоқда.

Қолаверса, вилоятда ҳар йили ўртача 1,5 миллион тонна сабзавот маҳсулотлари етиштирилади. Шунингдек, сўнгги йилларда балиқчилик, паррандачилик ва асаларичилик ҳам изчиллик билан ривож топмоқда. Ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи, озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналар сони ҳам кўпайиб бормоқда.

Бугунги кунда озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналар олдига ишлаб чиқариш сифатини ошириш ва уни бошқарушнинг янги стандартлари, замонавий технологияларни жорий этиш масаласи қўйилган ва улар истиқболда корхоналар қувватини янги даражага кўтариш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш ва турини кенгайтириш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференциядан олинган хулосалар жойлардаги маҳаллий Кенгаш депутатлари зиммасига ҳам қатор вазифаларни юклармоқда. Яъни, зиммамизда соҳага оид қонунлар ва ҳудудий дастурлар ижроси устидан депутатлик назоратини олиб боришдек масъулият турибди.

Бу борада депутатлик тузил-



маларимиз ҳудудий партия ташкилотлари билан ҳамкорликда қатор амалий ишларни олиб бормоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти асосида модернизация қилиш, уни инновацион-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқда инфратузилмани янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш борасида тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил этиб келинмоқда. Шу билан бирга, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партияимиз фракциясига бу йўналишдаги ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш, улар ижросини таъминлашга оид тақлифларимизни ҳам бериб бормоқдамиз. Бундан кейин ҳам бу борадаги таъшиқотларимизни изчил давом эттирамиз.

Тадбир иштирокчиларда ҳам катта таассурот қолдирди. — Қувонарли жиҳати шундаки, воҳамизда ер участка-

ларида истиқомат қилувчи ҳар бир хонадон эгалари ўзи учун кичик бўлсада боғ яратишди, — деди Сурхондарё вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори Умарали Қодиров. — Ўз ҳовлисида меҳр билан етиштирган меваларни тановул этиш киши қалбида ўзгача бир фахр туйғусини пайдо этади. Ички бозорларимизни ўзимизда етиштирилган мева-сабзавотлар билан таъминлаш орқали халқимиз дастурхонини тўкин-сочин қилиш билан бирга, сархил меваларимизни экспорт қилишни бундан-да ривожлантирсак, юртимиз иқтисодиёти ўсишига, юксалишига эришамиз. Айни пайтда Юртбошимиз томонидан билдирилган аниқ мақсадли режалар, деҳқончиликдан, богдорчиликдан хабардор бўлган оддий кишини ҳам бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Аксинча, уларни янгиликлар яратиш, дала ва боғлари-

мизда етиштирилаётган мева-сабзавотларни истеъмолчига ўз вақтида сифатли ва нобуд қилмасдан етказишда ҳам жиҳатликда иш олиб боришга ундайди. Бир сўз билан айтганда, партия етакчилари ташаббуси билан ташкил этилган маъмур дастури билан бирга, янги тақлиф, тавсиялар олиш имкониятини яратди.

Қизиқarli ва мазмунли фикр-мулоҳазаларга бой ўтган давра суҳбати якунида қўтарилган мавзу юзасидан иштирокчиларнинг тақлиф ва тавсиялари тингланди ҳамда ҳудудий партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари олдида турган вазифалар белгилаб олинди.

Райҳон ЖУМАЕВА, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сурхондарё вилояти кенгаши матбуот котиби

Ҳудудий партия ташкилотларида

Электорат ишончига

амалий ишлар билан эришилади

Сессияга масала киритилди

Давомий бошқариш

БПТ — партия таянчи

Хар қандай сиёсий партиянинг мавқеи ундаги аъзолар савияси, ташаббускорлиги, дунёқарши ва меҳнатсеварлиги ҳамда ўз ғоямафкурасига содиқлигига боғлиқ. Шу сабабли Ўзбекистон "Адолат" СДП ўзининг барча ҳудудий ташкилотлари таркибини нафақат сон, балки сифат жиҳатдан мустаҳкамлашга, социал-демократия ғояларига хайрихоҳ, фидойи ва энг муҳими, партия дастурий ғояларини ҳаётга татбиқ этишда ўзининг амалий ҳиссасини кўшиш истагида бўлган аъзоларни жалб этишга эътибор қаратиб келмоқда.

Гарчи аъзолари сони жиҳатдан партиянинг Қамати туман кенгаши бошқа ҳудудий ташкилотларга нисбатан кўп бўлмасда, аммо бажарилаётган ишлар кўламини кам, деб бўлмайди. 15 та бошланғич партия ташкилотига бирлашган 450 нафарга яқин аъзоларнинг аксарияти сиёсий жиҳатдан етак кадрлар сифатида тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, унинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқдалар.

"Кўшқала" маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган бошланғич ташкилот аъзолари хусусида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. 2010 йилда 3 нафар аъзо билан ташкил этилган БПТда бугун 55 нафар фаол иш олиб бормоқда. Хайрихоҳлар эса 150 нафардан ортиқ. Шуниси эътиборлики, айтиш мумкин БПТ раиси Абдумурод Хусейнов бошчилигида партия фаоллари "Кизилтепа", "Ғиштлик", "Чим" ҚФЙга вақти-вақти билан ташриф буюришиб, ҳозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, қабул қилинаётган қонунлар, фармонлар ва қарорлар, партия илгари сураётган ғоялар хусусида ўқув-

лар, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказишмоқда. Хусусан, тумандаги касб-хунар коллежлари, маҳаллалар, фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотларда "Ватан ягонадир", "Соғлом оила — жамиятимиз таянчи", "Соғлом она — соғлом бола", "Спорт — соғлиқ гарови", "Келинг, адолат пойдеворини қура-миз" каби мавзуларда учрашувлар орқали 1000 нафардан зиёд фуқаролар қамраб олинди.

— Бугун сиёсий партиялар олдига қўйилаётган муҳим вазифалар ижроси кўп жиҳатдан бошланғич партия ташкилотларининг фаоллиги ҳамда ташаббускорлигига боғлиқ, — дейди қўйи бугун етакчиси А.Хусейнов. — Бошланғич партия ташкилотлари жойларда партияимиз ғоя ва мақсадларини тарғиб қилиш билан биргаликда, электоратни ўйлантираётган муаммоларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш йўллари юзасидан партия гуруҳлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш талаб этилади. Фаол ва самарали иш олиб борилсагина, ўша ерда қўйи бугунинг нуфузи ошади.

Дарҳақиқат, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш, унинг етакчилари, фаоллари малакасини, айниқса, ҳуқуқий-си-



ЎЗА ФОТОСИ

ёсий билимларини ошириш ўта муҳим масаладир. Шу боис, партия вилоят кенгаши ҳамда қўйи бугун ҳамкорлигида "Партия ва бошланғич ташкилотлар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш устувор вазифа" мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди. Шунингдек, қўйи бугун томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида қабул қилинган қонунларни тарғиб қилишга ва чуқур ўрганишга қаратилган турли тарғибот тадбирлари ўтказилди. Жорий йилда "Соғлом бола йили" Давлат дастурида белгиланган мақсад-вазифалар ҳамда партиянинг мазкур йўналишдаги дастурий мақ-

сад-вазифаларидан келиб чиқиб, "Эрта турмуш қуришдан сақланиш", "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур", "Эл соғлиги — юрт бойлиги", "Келажак эгалари — юрт таянч", "Фарзандлар икболи — юрт истикболи", "Баркамол авлод тарбияси ҳамда оила мустаҳкамлигини таъминлашда аёлларнинг ўрни ва роли" каби мавзуларда 20 та яқин тадбир ўтказди. Айтиш жоизки, бундай тадбирлар эрта турмуш қуришининг олдини олишга, оила қуриш оstonасида турган ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи аъна-наларини кенг тарғиб қили-ши баробарида уларнинг сиёсий-ҳуқуқий, тиббий билим ва кўникмалари ошишида хизмат қилмоқда.

— Қўйи бугунимиз томони-

дан ўтказилаётган тадбирларда партия вакиллари ҳамда халқ депутатлари вилоят, шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзоларининг иштирок этаётгани ўзининг амалий натижаларини беряпти, — дейди қўйи бугун етакчиси. — Бундай тадбирлар орқали депутатлар электорат вакилларини ўйлантираётган муаммоларни аниқлаб, уларнинг ўз вақтида ечим топишига кўмаклашмоқда. Жорий йилда аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш, ижтимоий хавфли касалликлар профилактикаси ва уларга барҳам бериш, соғлом турмуш тарзи аъна-налари ва тиббий маданиятни тарғиб қилиш сингари парти-янинг дастурий мақсад-вази-фалари ижросини таъминлаш мақсадида партия туман кен-

гаши ҳамкорлигида "Саломатлик" акциясини ўтказиб, ёшларда учраётган турли касалликлар олдини олиш ҳамда уларни бепул даволашга кўмаклашиш ниятидамиз. Шунингдек, жойларда электро-ратни қизиқтираётган маса-лалар, таклиф-мулоҳазаларни ўрганиб, фаолиятимизда нис-батан кам эътибор қаратила-ётган оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлан-тириш, бу орқали ёшлар ва аёллар бандлигини таъмин-лашга кўмаклашиш фаоли-ятимиз бош мезонига айлана-ди.

Айни дамларда ўз фуқаро-лик ҳуқуқ ва бурчларини ан-глаб аяшага иштиёқи кучли бўлган кўшқалаликлар қачон ва қимдан кўмак олиш мум-кинлигини яхши билишгани ҳолда БПТга турли масала-ларда оғзаки, ёзма мурожа-атлар ҳам қилишаёпти. Энг муҳими, қишлоқдошларнинг ижтимоий-иқтисодий масала-лардаги муаммоларини ҳал қилишга доир ўнлаб мурожа-атлари ижобий ҳал этилмоқ-да. Биргина ўтган ойда фу-қаролар Дониёр Жавлиев, Меили Суяровлар тумандаги банклардан кредит ололма-й овера бўлишаётгани хусуси-да БПТга мурожаат қилишди. Партия аралашуви билан ушбу муаммо ўз ечимини топ-ди. Шунингдек, БПТ фаолла-рининг саъй-ҳаракати билан "Ғиштлик" МФЙ ҳудудидаги "Олмазор" қишлоғида яшов-чи Гулҳаё Диёрова, Озода Эшбуриева ва уларнинг ҳам иш сўраб қилган мурожаатлари ижобий ҳал этилди.

БПТ фаоллари ҳозир беш-та МФЙларда спорт майдон-чалари ташкил этишга кўма-клашиш, ишга киришга ёрдам сўраб мурожаат қилган 20 на-фар фуқарога амалий ёрдам кўрсатиш устида иш олиб бо-ришаёпти.

Комил САХАТОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Қаشقодарё вилояти кенгаши
матбуот котиби

Ушбу масала юзасидан сўзга чиққан халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Бекмурод Ашуров таъкидлаганидек, муқобил энергия манбалари аънавий энергия манбаларини тежашга, сан-оат ва қишлоқ хўжалиги соҳалари ҳамда аҳолининг энергияга бўлган эҳтиёжини қондиришда бебаҳо манба ҳисобланади. Шу сабабли қайта тикланадиган энергиядан фойдаланишнинг аф-залликларини кенг тарғиб этиш ва уни амалиётга жорий қилиш бугунги куннинг талабидир.

— Юртбошимиз томонидан "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тад-бирлари тўғрисида"ги Фармон-нинг имзоланиши бежиз эмас, албатта, — дейди Б.Ашуров. — Бизнингча, мазкур Фармон муқо-бил ва қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва такомиллаш-тириш, муқобил энергия манба-ларини, шунингдек, тежамкор, экологик тоза технология ва энергия ресурсларини жорий этиш бўйича инфратузилмалар, раббат, имтиёз ва преференция-лар яратиш имкониятларини яна-да оширишга, тадқиқотлар ҳамда тажриба-саноат ишланмаларини юқорилик ва илмий дара-жада ўтказишни янада давом эт-тириш, мазкур соҳа учун замона-вий ускуналар ва технологиялар-ни мамлакатимизда ишлаб чиқ-аришни ташкил қилишга имкон бермоқда.

Таъкидлаш керакки, депутатлик гуруҳи ташаббускорлигининг ошишида партия шаҳар кенгаши-нинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашидаги 8 нафар депутатлар ва партия шаҳар кенгаши ҳамда бошланғич партия ташкилотлари ўртасида йўлга қўйилган изчил ҳамкорлик ташаббускорлига йўл очмоқда. Партия дастурий ғояла-ри ва электорат манфаатларига мос таклифларни сессиялар кун тартибига олиб чиқиш имконини бермоқда.

Райҳон ЖУМАЕВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Сурхондарё вилояти кенгаши
матбуот котиби

Барча билим ва кўникмалар

Сиёсий ўқув

Жорий йилнинг Ўзбекистон «Адолат» СДП тизимида «Бошланғич партия ташкилотлари йили» деб эълон қилиниши юқори партия таш-килотларининг қўйи бугунларга диққат ва эътиборини яна бир бор кучайтирди. Ушбу йўналишда Қорақалпоғистон Республикасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, яқинда Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенга-ши ташаббуси билан Респуб-лика кенгаши раиси ва ўрин-босарлари, шаҳар ва туман партия кенгашлари раислари учун ташкил этилган "Сиёсий жараёнларда Ўзбекистон "Адо-лат" СДП позицияларини мус-таҳкамлашнинг долзарб маса-лалари" мавзусидаги уч кунлик минтақавий семинар ҳам мана шундай амалий ҳаракатлар-нинг бири бўлди.

Энг асосийси, ушбу семи-нарларда иштирок этган ша-ҳар ва туман кенгашлари раис-лари семинар давомида олган билим ва кўникмаларини жой-лардаги БПТ раислари ва фа-олларига етказишга ҳаракат қилмоқда. Семинарни ўтқа-зишдан асосий мақсад ҳам мана шунда.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Қораўзақ туман кенгаши то-монидан "Сиёсий жараёнларда Ўзбекистон "Адолат" СДП по-зицияларини мустаҳкамлашда БПТлар ўрни" мавзусида ўтқа-зилган сиёсий ўқув ҳам юқори-даги уч кунлик семинар даво-

мида олинган билим ва кўник-малар, тажриба алмашинуви, таассуротларни тумандаги БПТлар раисларига етказиш-га қаратилди. Семинарда Ўзбекистон "Адолат" СДП Қораўзақ туман кенгаши раис-и А.Гулимбетов, халқ депу-татлари Қораўзақ туман Кен-гаши депутати Қ.Утемисов, ту-ман молия бўлими қўшиқдаги БПТ раиси Е.Хожаназаров сай-лов жараёнида ишончли вакил, ваколатли вакил ва кузатувчи-ларга қўйилаётган талаблар ва партия фаолларининг сайлов жараёнида иштироки тўғри-сида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Тадбирда таъкидлангани-дек, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ис-лохотлар ва сиёсий модерниз-ация жараёнларининг самар-раси кўп жиҳатдан фуқаролар-нинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигига боғлиқ. Чунки, киши фуқаролик бурчи ва масъулиятини чуқур ҳис қилса, атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар моҳиятини тереан англаса, унда элу юрт

БПТ учун

равнақиға дахлдорлик туйғуси кучаяди. Шу боис Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенга-ши ва ҳудудий партия ташки-лотларида мунтазам равишда сиёсий ўқув-семинарлари ўтказиб келинмоқда.

Шу йилнинг ўтган беш ойи-да партия Сиёсий Кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда йирик бош-ланғич партия ташкилотлари-да тизимли равишда 300 га яқин ўқув ўтказилиб, уларда 20 минг нафардан ортиқ тинглов-чи қатнашди. Мазкур ўқувлар-да Президентимиз маърузала-ри мазмун-моҳиятини тушу-ни-тириш, депутатлик назорати-ни қўллаш амалиётини тако-миллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалти-риш, электорат манфаатини ҳимоя қилишда партия фаол-лари ва депутатлар иштиро-кини кенгайтириш каби қатор масалалар муҳокама этилди. Ташкил этилган сиёсий семи-нарларда замонавий интерак-тив ва сиёсий технологиялар-дан кенг фойдаланиш, ўқувлар мавзусини ёритишда профес-сионал маърузачиларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Айтиш ўринлики, Ўзбеки-стон «Адолат» СДП Қораўзақ ту-ман кенгаши томонидан таш-

кил этилган сиёсий машғулот-ларда депутатлар ва ҳуқуқшу-нослар иштироки таъминлан-гани яхши самара бермоқда. Янги қабул қилинаётган қонун-лар аҳамияти, сиёсий партия ва депутатларга берилган ва-колатлар, депутатлик назора-ти мавзулари кўпчиликда қизи-қиш уйғотди. Шунингдек, су-ҳбатлар асосида демократик ислохотларда фаол иштирок этиш, халқ депутатлари маҳал-лий Кенгашларидаги партия гуруҳлари ташаббускорлигини ошириш, партия электорати манфаатларига жавоб беради-ган, партия дастурий ҳужжат-ларида акс этган ижтимоий муаммоларни жойларда ҳал этиш билан боғлиқ масалалар-да партия фаоллари, электро-рат вакилларида таклифлар олинди.

Сиёсий ўқувларни юқори са-вияда ташкил этиш машғулот-ни олиб борувчи модератор-лар маҳоратига, семинар маш-ғулотларининг ўқув-услубий ва тарқатма материаллар билан таъминланишига боғлиқ. Шун-инг учун жойлардаги сиёсий ўқувлар маърузачилари ва мо-дераторлари учун партия Сиё-сий Кенгаши томонидан ўтқа-зилган семинарларнинг барча материаллари услубий қўлла-ма сифатида тарқатилди.



ЎЗА ФОТОСИ

Семинар қатнашчилари пар-тия дастурий мақсадларига ҳамоҳанг тарзда юртимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий исло-хотларни электорат орасида тарғиб этишда бошланғич партия ташкилотлари имкони-ятларидан тўла фойдаланиш, айниқса, маҳаллалар билан ҳамкорликда кўпроқ аҳоли орасига кириб бориб, улар иштирокида сиёсий ўқувлар ишини фаоллаштириш зарур-лигини таъкидлашди.

— Партияимиз мафкурасини одамлар орасида тушунириш учун тадбирларимизни замо-навий усулларда олиб бори-шимиз, оммавий ахборот вос-италаридаги сиёсий чиқиш-ларнинг таъсирчанлигини оши-ришимиз керак, — деди Ўзбе-кистон «Адолат» СДП Қораўзақ

туман кенгаши раиси А.Гулим-бетов. — Бунинг учун мафку-равий ишларни янада жонлан-тириш, жамоатчилик билан ижтимоий ва иқтисодий мустаҳкам-лаш зарур. Олдиндан пухта тайёргарлик кўрилсагина, ҳар бир тадбир партияимиз элек-торатининг ижтимоий-сиёсий билими ва фаоллигини оши-ришда таъсирчан восита бўла олади.

Масалан, тадбирларда пар-тияимиз Сайловолди дастури қай даражада амалга ошири-лаётгани, депутатларимиз ва партия ташкилотларининг фа-олияти ҳақида кўпроқ кўрғаз-мали воситалар тақдим этиш-ни йўлга қўйиш лозим. Бу жа-моатчилик партияимиз фаоли-яти, сайловолди ваъдаларини амалга ошириш борасидаги ташаббуслари ҳақида кенгроқ

маълумот олиши учун хизмат қилади. Жамиятда партия кан-дай амалий ишлар билан шу-гулланаётгани, эришаётган на-тижалари ҳақида янада кенг-роқ тасаввур пайдо бўлади.

Семинар очик мулоқот тар-зида, интерфаол усулда таш-кил этилди. Қатнашчилар кун тартибидagi мавзулар бўйича эркин фикр юритишди. Семи-нар қатнашчилари икки гуруҳ-га бўлиниб, партиянинг маф-куравий фаолиятини ривож-лантириш ва ОАВ билан иш-лашни самарали ташкил этиш юзасидан ишлаб чиққан так-лифлар тақдимотини ўтказиш-ди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Қорақалпоғистон Республикаси
кенгаши матбуот хизмати

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»

MT акциядорлик компанияси жамоаси

юртимизнинг забардаст журналистларини,
барча қалам аҳли ва матбаачиларни
27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот
воситалари ходимлари кўни билан
чин дилдан қутлайди!

Ватанмиз тараққиёти, элимиз
фаровонлиги ўйлидаги масъулиятли
ишларингизда омад тилайди.
Ижодий баркамоллик, мустақкам
соғлиқ, тинчлик-хотиржамлик сизларга
доимо ҳамроҳ бўлсин.

Обунага кўмакчи —
«Матбуот тарқатувчи»!



«Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компанияси жамоаси

замон билан ҳамнафас яшаб, тобора
кучли ва таъсирчан кучга эга бўлиб бораётган, ўзини
матбуот ва ахборот соҳасини ривожлантиришдек
масъулиятли ишга бағишлаган барча
журналистларни, матбаа ва нашриёт вакилларини
27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КЎНИ
билан самимий муборакбод этадн!

Ҳар доим бўлганидек, бу бетакрор
байрам ҳар бирингизнинг ҳаётингизда
ўчмас из қолдиришини тилайди.

Сизларга
ҳамиша
омад ёр
бўлсин!



Тарбия — келажак пойдевори

Миллий тараққиёт йўлидан бораётган жомият
учун замонавий билимларни чуқур эгаллаган
янги авлодни тарбиялаш, уларни ҳар жиҳатдан
комил инсонлар қилиб вояга етказиш муҳим,
ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Истиқлолимизнинг дастлабки
йилларидан бошлаб, давлатимиз
раҳбарининг ташаббуси билан
ёшларни янги дунёқараш ва кад
риятлар руҳида тарбиялаш, бу иш
учун зарур шароитларни яратиш,
таълим соҳасининг моддий-техник
базасини мустаҳкамлашга алоҳи
да эътибор берилганининг боиси
ҳам шунда. Бунда энг муҳими,
миллий таълим тизимини тубдан
ислоҳ қилиш, собиқ тузумдан қол
ган эскича қоллилардан воз ке
чиш, таълимга доир илғор, давр
синовидан ўтган тажрибаларни,
замонавий, халқимизга хос маъ
навий-ахлоқий қадриятларга ҳам
омад таълим усулларни топиш ва
амалиётга жорий этиш, таълим ва
тарбияни бир-бирдан ажратмас

лик, уларнинг ўзаро мутаносибли
гига эришиш муҳим вазифа си
фатида белгиланди.
Бундай шароитда «Таълим
тўғрисида» ҳамда «Кадрлар тай
ёрлаш миллий дастури» дан ке
либ чиқиб, академик лицей, касб
-хунар коллежлари ва олий ўқув
юртлари ўртасида икки томонла
ма манфаатли ҳамкорлик алоқа
лари йўлга қўйилди. Мамлақати
миз МДҲга аъзо давлатлар ора
сида биринчи бўлиб, олий таълим
нинг икки босқичли бакалаврият

ва магистратура йўналишига ўтди.
Кадрларни аввалдан тасдиқлана
диган, ҳаётий эҳтиёжга мос кел
майдиган режа асосида тайёрлаш
дек номақбул принципдан воз ке
чилди. Олий ўқув юртлари илмий
салоҳияти ва моддий-техника ба
засини мустаҳкамлаш, бунда фан
ва техниканинг энг сўнгги ютуқ
ларига таяниш, талабаларнинг
яшаш шароитларини яхшилашга
жиддий эътибор берилди. Олий
таълим муассасалари моддий-тех
ника базасини модернизация
қилиш, ўқув юртларини замонавий
дарсликлар, қўлланмалар, илмий
лабораториялар билан жиҳозлаш
борасида эътиборга молик ишлар
амалга оширилди. Мамлақатимиз
да электрон таълимнинг миллий
тизими яратилди. Эндилдиқа олий
ўқув юртларида ўтказилаётган ил
мий-амалий, видео конференция
ларни он-лайн тизимида қўриш,
улар ишида қатнашиш мумкин.
Ўзбекистон Миллий университети
базасида олий ўқув юртлари про
фессор-ўқитувчилари ҳамда маъ
мурият вакиллари малакасини

ошириш ва қайта тайёрлаш бош
илмий-методик маркази фаолият
олиб бормоқда. «Электрон таълим»
миллий тизими ёрдамида масофа
дан туриб педагогик кадрлар ма
лакасини ошириш йўлга қўйилди.
Ўқув жараёнини меъёрий-ҳуқуқий
жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсади
да олий таълим, факультет, кафе
дра, магистратура, илмий кенгаш,
талабалар билимининг рейтинг ти
зимини назорат қилиш тўғриси
даги низомлар ишлаб чиқилди ва
ўқув жараёнига татбиқ этилди.
Шуниси қувонарлики, бир неча
йиллардан бери таълим билан
боғлиқ илмий тадқиқотлар грант
асосида молиялаштирилмоқда.
Фундаментал, амалий ва иннова
цион тадқиқотлар учун ажратила
ётган маблағлар миқдори йилдан
йилга ошиб бораётир. Натижада
кўпга ёш тадқиқотчилар халқор
таълимларда ғолиб чиқиб, Вата
нимиз шаънини улуглаётгани
фикримизга далил бўла олади.

Назира АБЛОЕВА,
ЖИДУ катта ўқитувчиси



«МИКРОКРЕДИТБАНК» — ёшлар бизнесига кўмакдош

➤ Молия муассасаларида

Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ ту
манида «Микрокредитбанк» очик акциядорлик
тижорат банки ташаббуси билан «Ёшларнинг
бизнесидаги биринчи қадами» мавзусида анжу
ман бўлиб ўтди. «Банк ва коллеж ҳамкорлиги»
лойихаси доирасида Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки, Республика Хотин-қизлар
қўмитаси, Ўрта махсус касб-хунар таълим
маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган
мазкур тадбирда вилоят ҳокимлиги, Коллежлар
бошқармаси, касб-хунар коллежлари раҳбар
лари ва коллеж битирувчилари, шунингдек,
кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Таъкидлаш жоизки, «Микро
кредитбанк» кўплаб юртдошлар
имизни, айниқса, касб-хунар
коллежларини битириб, меҳнат
бозорига қадам қўяётган ёшлар
имизни тадбиркорлик фаоли
ятига жалб қилиш, уларни мо
лиявий қўллаб-қувватлаш баро
бариди чекка ҳудудларда ҳам
янги-янги иш ўринлари ташкил
этилишида ўзининг муносиб
хиссасини қўшиб келмоқда. Бу
борада Президентимизнинг
«Таълим муассасаларининг би
тирувчиларини тадбиркорлик
фаолиятига жалб этиш бораси
даги қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида»ги Фармони ижроси
доирасида «Микрокредитбанк»
очик акциядорлик тижорат бан
ки томонидан Ўрта махсус касб
-хунар таълим маркази билан
ҳамкорликда 2013-2014 ўқув
йилида касб-хунар коллежлари
ни битириб чиқаётган ёшлар
нинг айнан эгаллаган мутахас
сисликлари бўйича тадбиркор
лик фаолиятларини йўлга қў
йишлари учун бизнес-режалар
ишлаб чиқиш ва бошланғич
сармоя микрокредитлари ажра
тиш, пировардида эса доимий
иш ўрни яратиш борасида кенг
микёсли саъй-ҳаракатлар амал
га ошириб келинмоқда.

Маълумки, «Соғлом бола
йили» Давлат дастурининг 33-
бандида аёлларнинг ўз қобили
ят ва имкониятларини рўёбга
чиқаришлари учун зарур шар
тшароитлар яратиш, оиланинг
ижтимоий-маиший шарт-шаро
итларини яхшилаш, иқтисодий
ва маънавий асосларини мус
таҳкамлаш каби муҳим вазифа
лар» белгиланган. Шунинг
боис тадбир доирасида Хотин
-қизлар қўмитаси билан ҳамкор
ликда кишлоқ аёлларининг им
кониятларини кенгайтириш,
эҳтиёжманд оилаларга даромад
манбалаларини яратиш ва уларга
ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақ
садида кам таъминланган 110
та оила хотин-қизларининг
иқтисодий билимларини оши
риш, бизнес-лойиҳаларини иш
лаб чиқиш бўйича ўқув дастур
ларини ташкил этиш йўли бил
ан Мўйноқ туманида амалга
оширилаётган «Қорақалпоғис
тон аёллари учун иқтисодий им
кониятларни кенгайтириш»
лойиҳаси доирасида 22 та
ўзаро ёрдам гуруҳига жамлан
ган аёлларга тадбиркорлик фа
олиятини йўлга қўйиш учун им
тиёзли сармоялар ажратилиши
кўзда тутилган.
Жумладан, Мўйноқ туманида

Нукус шаҳридаги «Nukus Exclusive» масъулияти чекланган жамияти «Микро
кредитбанк» нинг молиявий қўллаб-қувватлаши билан савдо хизматини йўлга
қўйган. Мазкур корхона пойтахтимиздаги қатор ишлаб чиқариш субъектлари
дан уй-жой қуришиш учун сифатли банккорлик маҳсулотларини келтириб,
мақбул нархда аҳолига етказиб бермоқда. Шунингдек, кафеъ элми, шаклаб
ка, қуришиш бўёқлари ва лак ишлаб чиқариш цехи ташкил этилди.

Суратда: жамият раҳбари Озод Шимберенов ва ишчи Какен Барлибоев.



ги Тикузик, Бўзатав ва Маделли
овул фуқаролик йиғинларида
яшаётган аёллардан тузилган 8
та ўзаро ёрдам гуруҳи тарки
бидаги 40 нафар хотин-қизлар
га гуруҳ кафилиги асосида
таъминотсиз кредитлар ажра
тилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар
юртимизда ёшларга оид дав
лат сиёсатини амалга ошириш,
бу борада тадбиркор ёшлари
миз учун кенг имкониятлар яра
тиш борасида ҳукуратимиз то
монидан олиб борилаётган кенг
қўллаб-қувватлаш ислохотлар натижа
сида уларнинг сафий кўн-сайин
кенгайиб бораётганини эъти
роф этдилар.

Дарҳақиқат, бугунги кунда
коллежларни битириб чиқаётган
кўплаб ёшларимиз тадбиркор
лик билан шугулланиш нияти
да банк филиалларига ўз биз
нес-режаларини тақдим этмоқ
далар. Ўз вақтида ёшларнинг
истиқболли лойиҳалари танлаб
олиниб, уларни молиялашти
риш ишлари бошлаб юборил
ган. Бу борада Президентимиз
нинг 2014 йил 6 февралдаги
«Ўзбекистон Республикасида
ёшларга оид давлат сиёсатини
амалга оширишга қаратилган
қўшимча чора-тадбирлар тўғри
сида»ги қарори дастуриламал
бўлмоқда. Ушбу жараёнда банк,
айниқса, чекка туманлардаги
касб-хунар коллежларини бити
риб чиқаётган ёшларнинг ўз му
тахассисликлари бўйича тад
биркорлик фаолиятини йўлга
қўйишига алоҳида эътибор
қаратмоқда. Ўтказилган мазкур
лойиҳадан қўзланган асосий
мақсад ҳам ҳудудлардаги касб
-хунар коллежлари битирувчилари
бандлигини таъминлаш,
ёшларнинг инновацион лойиҳа
ва ташаббусларини иқтисоди
ётга жорий этишга қаратилган.

Тадбир давомида ҳудуддаги
аёллар ва ёш тадбиркорлар
нинг яратган маҳсулотлари
кўргазмаси намойиш этилди.
Шунингдек, ўзининг пухта биз
нес-режаларига эга бўлган 50
нафар ёш тадбиркорларга
«Микрокредитбанк» томонидан
имтиёзли сармоя оlishлари
учун махсус сертификатлар топ
ширилди.

Исмигул ЮСУПОВА

«TURKISTON IXTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO» МҲЖ

бошланғич баҳоси охиб бориш тартибидан ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади!
Аукцион савдосига 1. Тошкент давлат юридик университети томонидан Тошкент шаҳар Юнусов тумани,
Сайилтоҳ кўчаси, 5-уй манзилидаги давлат рақами 01 595 ТВА бўлган, 2003 йилда и.ч. 18 000 000 сўм бошланғич
нархдаги Нексия русумли, давлат рақами 01 288 ОАА бўлган, 2003 йилда и.ч. 20 250 000 сўм бошланғич нархдаги
Нексия русумли 2. «O'ZBEKISTON SHAMPANI» ОАЖнинг Тошкент шаҳар, С.Маҳшадий кўчаси, 186-уй манзили
даги давлат рақами 01 228 ОҚА бўлган 1992 йилда и.ч., 16 535 260 сўм бошланғич нархдаги КамАЗ 5320 русумли,
давлат рақами 01 229 ОҚА бўлган 1989 йилда и.ч., 15 611 502 сўм бошланғич нархдаги КамАЗ 55102 русумли, давлат
рақами 01 767 ЛВА бўлган 1997 йилда и.ч., 17 853 706 сўм бошланғич нархдаги НЕКСИЯ русумли, давлат рақами 01
797 ДСА бўлган 1996 йилда и.ч., 17 21 093 сўм бошланғич нархдаги НЕКСИЯ русумли, давлат рақами 01 515 ССА
бўлган 2007 йилда и.ч., 26 885 000 сўм бошланғич нархдаги ГАЗ 3102-581 русумли автомобилотранспорт воситалари
қўйилмоқда.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда, 2014 йил 29 июль кунини соат 11.00
да, ушбу савдода сотилмаган мулкларнинг такрорий аукцион савдоси 2014 йилнинг охиригача ҳар сешанба кунлари
соат 11.00 да бўлади. Аукцион якуларини савдо тугатган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Аукцион савдоларида қўйилган автотранспорт воситалари билан савдо иштирокчида бевосита жойига
чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманома (ариза)ларини Тошкент шаҳри, Миробод
тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва қабул
қилиш аукцион савдоси ўтказилаётган бир кун олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувга
асосан объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини ТИАСнинг АТИБ

«Ипотека-банк» Шайхонтаҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р 2020800064941652001,
МФО 00425, СТИР 302128906.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Тел: 144-66-55.

Гувоҳнома 2011 йил 1 ноябрдаги 005424

Шартнома интизоми ва тадбиркор манфаати

Иқтисодий муносабатларнинг пухта кафолатидир

➤ Адлия минбари

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳўжаликлар ўртасидаги ҳар бир муносабат натижаси кўп ҳолларда шартноманинг қандай тузилгани ёки расмийлаштирилганига боғлиқ. Яъни, шартномада томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг жавобгарлиги, етказиб бериладиган маҳсулотнинг нархи, муддатлари, ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва бошқа ҳолатлар назарда тутилади.

Бунда шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, "Ҳўжалик юритуви субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли қарори билан тасдиқланган "Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида"ги Низом ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг маънолиги ва ҳуқуқий давлат принциплари асосида белгилади. Бу борада адлия органларига юклатилган вазифалар асосида Самарқанд вилоят адлия бошқармаси ходимлари ҳам ҳуқуқий ёрдам тарихисидан ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида, шу жумладан, қишлоқ ҳўжалиги корхоналари ҳамда фермер ҳўжаликларини билан контрактация шартномаларини тузиш жараёнида

рида бевосита иштирок этиб келмоқда.

Хусусан, 2014 йил ҳосили учун қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича йигирмадан ортиқ турдаги 54387 та шартнома тузилишида тарафларга адлия бошқармаси ходимлари томонидан зарур ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатилиши баробарида, шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар ва қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасида 2014 йилнинг I чораги давомида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, бошқарманинг масъул бўлимига 2014 йилнинг I чорагида фуқаролардан жами 9 та шикоят келиб тушган. Шикоятларнинг 5 таси ер муносабатларига, 2 таси суд қарорлари юзасидан, 1 таси суд ижрозининг хатти-ҳаракатлари ва 1 таси бошқа масалаларга оид мурожаатларни ташкил этади.

Мурожаатларни ҳамда бошқарманинг иш режасига асосан ўтказилган ўрганишлар, шунингдек, 2013 йил ҳосили учун қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштирувчи корхоналар, шу жумладан, фермер ҳўжаликларини билан тайёрлов, таъминот, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатувчи корхоналари ўртасида тузилган шартнома-



ларнинг ижроси бўйича олиб борилган мониторинглар натижасида, "Ўзпахтасаноат" АУ тизимида кирувчи корхоналарига 7 та, "Пилла корхоналари"га 19 та, "Озик-овқат саноати корхоналари" уюмаси тизимида кирувчи корхоналарига 5 та ва бошқа ташкилотларга 9 та тақдимномалар киритилди. Келгусида қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилмаслик хусусида 61 нафар мансабдор шахслар расман огоҳлантирилди.

Шунингдек, фермер ҳўжаликлари манфаатини кўзлаб тегишли идора раҳбарлари номига қонунбузилиш ҳолатлари бартараф этиш тўғрисида 40 та тақдимнома киритилиб, келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик хусусида 49 нафар мансабдор шахслар расман огоҳлантирилди.

Қўрилган таъсир чоралари натижасида қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган айбдор шахсларнинг 19 нафари интизомий жавобгарликка тортилиб, шундан 5 нафари эгаллар ҳўжаликлари билан тайёрлов, таъминот, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатувчи корхоналари ўртасида тузилган шартнома-

тида тайёрлов, таъминот, хизмат кўрсатувчи корхоналар ва бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларга нисбатан тегишли судларга жами 1 млн. 539 млн. 227 минг сўмлик 247 та, шундан, фермер ҳўжаликларини манфаатини кўзлаб 1 млрд. 394 млн. 394 минг сўмлик 199 та даъво аризалар киритилиб, судларнинг ҳал қилув қарорлари билан қаноатлантирилди.

Бошқарманинг 2014 йил I-ярим йилликка мўлжалланган иш режаси ижросини таъминлаш мақсадида бошқарма бошлигининг 2014 йил 31 январдаги 20 ХС-сонли буйруғига вилоятдаги пахта тозалаш корхоналарида фермер ҳўжаликлари билан тузилган контрактация шартномаларининг тузилиши ва бажарилишида қонун ҳужжатларига риоя этилиши аҳоли ўрганиб чиқилган.

Ўрганиш натижалари бўйича 2013 йил ҳосилидан фермер ҳўжаликлари томонидан етказиб берилган пахта хомашёсининг 90 фоизлик тўловлар ҳисобидан тўланмасдан қолган 1 млрд. 101 млн. 895 минг 700 сўмлик асосий қарз ҳамда тўлов муддати ўтказил-

гани учун 138 млн. 780 минг 143 сўм пеняни ундириш ҳақида 150 та фермер ҳўжаликларининг манфаатини кўзлаб вилоят ҳўжалик судига киритилган даъво аризалари судлар томонидан кўриб чиқилиб, шундан 951,6 млн. сўм асосий қарз ҳамда 56,1 млн. сўм пеняни ундириш ҳақида судларнинг ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилди.

Шунингдек, Тайлоқ туманидаги "Акбар Азиз Мафтуна" фермер ҳўжалиги раиси С.Самандаровнинг "Жомбойдон-маҳсулотлари" ОАЖ томонидан бошқоқли дон харид қилиш бўйича тузилган шартнома мажбуриятларини бажармаётганидан норози бўлиб қилган мурожаати ўрганиб чиқилган.

Ўрганиш натижалари бўйича, "Жомбойдон-маҳсулотлари" ОАЖ ҳисобидан "Акбар Азиз Мафтуна" фермер ҳўжалиги фойдасига шартномага асосан етказиб берилган маҳсулотлар ҳисобидан вужудга келган 2.595.068 сўм асосий қарз ҳамда тўлов муддати ўтказиб юборилгани учун 1.297.534 сўм пеняни ундириш тўғрисида вилоят ҳўжалик судига даъво ариза киритилган.

Мазкур даъво ариза Самарқанд вилоят ҳўжалик суди томонидан кўриб чиқилиб, 2014 йил 21 февралда ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Ушбу сай-ҳаракатлар натижасида фақат шартнома шартлари бажарилиши таъминланганига қолмай, айни чоғда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг ҳуқуқий манфаатлари тўла ҳимоя қилинишига ҳам эришилмоқда. Ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ҳуқуқий муносабатларнинг пухта кафолати яратилмоқда.

Ахроржон РАҲМАТОВ,
Самарқанд вилоят адлия бошқармаси бош масlahatchиси

➤ 2014 йил — Соғлом бола йили

Ватан тараққиёти, тинчлиги учун хизмат қиладиган ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишда оиланинг ўрни беқиёс. Оила тарбияси фарзанд, шахс маънавияти шаклланишидаги асосий восита эканлигига оид қарашлар жуда узоқ тарихий илҳизга эга бўлиб, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Мирзо Уллубек, Алишер Навоий ва кўплаб мутафаккир бобокалонларимизнинг асарларида боланинг билим олишга бўлган қизиқиши, ҳавасини оширишда у тарбияланаётган муҳит муҳим ўрин эгаллаши, шу боис авваламбор, бола тарбиясида оила муҳитини тўғри ташкил қилиш даркорлиги ҳақидаги панд-насихатлар жой олган.

Аҳил оила меваси

Жумладан, газал мулкнинг султони, мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ҳам фарзанд тарбиясида оиланинг ўрни ҳақида сўз юритар экан, жамиятнинг етуқлиги, унинг тақдири ва келажаги ёшлар камолоти билан боғлиқлигига алоҳида ургу беради. Навоий тарбия усули сифатида намуна кўрсатишга эътибор қаратади, айниқса, ёшларни яхши кишилардан ўрганишга, улардан ибрат олишга, улар билан бир даврда тез-тез суҳбатлашишга чақиради.

Оила давлат ва жамиятнинг асосий таянчи қисобланади. Унинг мустақамлиги, иноқ-товулиги юртнинг барқарор ривожланишини таъминлайди. Шу боис мустақамлик йилларида мамлакатимизда оила институтига алоҳида эътибор қаратилиб, оила муносабатларини тартибга солиш қонун ҳужжатлари шакллантирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-боби алоҳида оилага бағишланиб, унинг 63-моддасида оила жамиятнинг асосий бўғини экани ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқи қайд этилганлиги фикримиз тасдиғидир.

63-моддасида оила жамиятнинг асосий бўғини экани ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқи қайд этилганлиги фикримиз тасдиғидир. 1994 йилда навқирон авлодини турли хил ҳуқуқбузарликлар, экстремизм, гиёҳвандлик, "оммавий маданият" каби иллатлардан асраб-авайлаш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ёшларни касбга йўналтиришни тизимлаштириш мақсадида "Оила-маҳалла-таълим муассасаси" ҳамкорлиги концепцияси ишлаб чиқилди.

Шу билан бирга, эзгу мақсад ва ниятларда оила қураётган ёшларимизнинг нафақат бугунги кун, балки келажаги ёрқин дамларга бой бўлишига эришиш, юртимизда репродуктив саломатлик кўрсаткичларини ва миллатимиз генофондини яхшилаш мақсадида янги оила қураётган ёшларнинг тиббий қўриқдан ўтаётганлиги, хомиладор аёллар, болаларнинг беғул тиббий хизматдан фойдаланаётгани жамиятимизда соғлом оилани шакллантиришга замин яратмоқда, десак янглишмаймиз.

Шерзод ЭРМАТОВ,
Жиззах вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

Сўранг, жавоб берамиз!

Ота боласини тан олмас...

Эрим билан шаърий никоҳ асосида турмуш қурган эдик. Беш-олти ой аввал у билан ажралишдик. Яқинда она бўлдим. Расмий никоҳдан ўтмаганимиз сабабли, соёқ турмуш ўртоғим фарзандини тан олишни истамаяпти. Илтимос, оталиқни белгилаш тартиблари ҳақида маълумот берсангиз?

Зумрад Санаева, Тошкент вилояти.

Амалдаги қонунчилигимизда оталиқни тан олиш масаласи ўз ечимини топган. Бундай ҳолатларда оталиқни белгилашнинг икки шакли — ихтиёр ва мажбурий тарзи мавжуд. Одатда, оталиқни тан олишнинг ихтиёр шакли биргаликда ариза бериш орқали фуқаролик ҳолатларини қайд этиш идорасида амалга оширилади. Оталиқни белгилашнинг мажбурий шакли жойлардаги фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш орқали ҳал бўлади.

Жавобгар боланинг онаси билан бирга яшагани, умумий рўзғор юритгани, болани биргаликда тарбиялагани ва таъминлаб тургани ва ниҳоят, оталиқни тан олганини аниқ тасдиқловчи далиллар оталиқни белгилаш предмети бўла олади.

Оталиқни суддан ташқари тан олиш қуйидаги шаклларда намён бўлиши мумкин: жавобгарнинг оғзаки гапларида; турли ҳужжатларни тўлдиршида; даъвогарга тақдим этилган ёзма ва ашёвий далилларда.

Алоҳида тартибда оталиқни белгилашда эса фарз қилинган отанинг ўлими унинг боласига нисбатан оталиқни белгилашда бирмунча қийинчилик туғдиради. Шунинг учун суд оталиқни белгилашда асос бўлувчи фактларни у ҳаётлигида тан олган бўлиши кераклигини текширади ва баҳолайди.

Фактни тан олишнинг аҳамияти шундаки, у иш бўйича исботлаш процессини енгиллаштиради, ҳақиқатга элтувчи ишончли далил сифатида эътироф этилади. Шунингдек, оталиқни тан олиш — никоҳсиз туғилган боланинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш кафолатларидан биридир. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, турмуш қонуний никоҳ асосида қурилса, ҳаётда бу каби муаммоларнинг олди олинади.

Саволларга Янгийўл тумани 2-сон ФХД бўлими муддир **Луиза МАҲМУДБЕКОВА** ва Янгийўл шаҳар ФХД бўлими инспектори **Гулноза СОТВОЛДИЕВА** жавоб берди.

➤ МММда

Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида айтилишича, "Ўзвирасаноат-холдинг" холдинг компанияси хомашё базасини мустақамлаш билан бир қаторда қайта ишлашни такомиллаштириш, узумни замонавий технологик линияларда қайта ишлаб, ташқи бозорга рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантирмоқда.

Экспорт салоҳияти ортмоқда

Хусусан, қайта модернизацияланган айрим корхоналарда узумдан тайёрланган вино маҳсулотларининг 100 фоизи экспортга йўналтирилмоқда. Бу каби ишларни амалга оширишда сўнгги 5 йил мобайнида татиқ этилган 100 дан ортиқ инвестицион лойиҳалар ва уларга сарфланган жами маблағларнинг ўрни беқиёс. Келгуси 3 йил давомида жами 135 млрд. сўмлик яна 80 та инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Этиборли жиҳати, компания нафақат фермерлар томонидан етиштирилган узумни қабул қилмоқда, балки ўз хомашё базасини ҳам кенгайтиришга ҳаракат қилапти, — дейди "Ўзумшаробсервис" унитар корхонаси раҳбари Адиба Аҳмеджанова. — Ўтган 2013 йилда қабул қилинган 123,8 минг тонна узумнинг 18,0 минг тоннаси компания плантацияларида етиштирилган бўлса, жорий йилда компания тоқзорларидан 30 минг тоннадан ортиқ санаот бозорига узум етиштириш режалаштирилган.

С.СОДИҚОВА

Оқ йўл сизга, битирувчилар!

➤ Тадбир

Давлат божхона қўмитаси Олий ҳарбий божхона институтида битирувчиларга диплом топшириш маросими ўтказилди. Унда таъкидланганидек, Ўзбекистонда бошқа соҳалар қатори божхона тизими учун профессионал кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.

Айнан шу каби эзгу мақсадларни кўзлаб, бундан 11 йил муқаддам Президентимиз ташаббуси билан Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган Олий ҳарбий божхона институтининг ташкил этилиши фикримиз исботидир.

Эътироф этиш жоизки, ўтган вақт мобайнида ушбу таълим муассасасида божхона органлари учун малакали кадрлар тайёрлаш, божхона хизматини жаҳон андозалари талаблари даражасига етказиш, божхона органлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар тайёрлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди ва бу жараён изчил давом этмоқда.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қодир Жўраев, Давлат божхона қўмитаси раиси Зоҳид Дўсанов ва



бошқалар адолатли бўлиш, қонунларга оғишмай амал қилиш, божхона ходими нафақат ўз касбининг сирларини чуқур эгаллаши, балки халқимиз маънавияти ҳамда олийжаноб ахлоқий фазилатларини ўзида мужассам этиши божхона хизматининг энг муҳим мезони эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Яқинда етган ўқув йилида институти "Божхона иши" ва "Юриспруденция" мутахассисликлари бўйича жами 116 нафар тингловчи битирди. Таъкидлаш жоизки, улар жорий йилда институт томонидан шарафли ва масъулиятли меҳнат фаолиятига учирма қилинаётган саккизинчи қалдирғочлардир.

Битирувчилар ўқиш жараёнида давлат таълим стандартлари асосида тасдиқланган ўқув режаларига мувофиқ иқтисодий, ҳуқуқий, гуманитар ва фундаментал фанлар ҳамда божхона назоратини ташкил этиш, ташқи

иқтисодий фаолиятни давлат томонидан бошқариш, валюта назорати, тезкор-кидирув фаолият, божхона статистикаси ва ахборот технологиялари каби фанларни ўзлаштирилди.

Институтида олинган назарий билимларни бевосита божхона амалиёти билан узвий боғлаш, бўлажак божхона ходимларида танлаган мутахассисликлари бўйича дастлабки кўникмаларни ҳосил қилиш мақсадида, уларнинг ДБК марказий аппарати, худудий божхона бошқармаларининг бўлимларида, божхона комплекслари ва постларида амалиёт ўташлари ташкиллаштирилди.

Битирувчиларни кузатиш маросими бир гуруҳ санъаткорлар иштирокидаги тантанали байрам дастурига уланиб кетди.

Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати

Pharmed

хусусий корхонаси жамоаси

мамлакатимизда фаолият юритаётган

қаламкашларни, журналисту матбаачиларни

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ

ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

билан муборакбод этади!

Эл-юрт манфаати йўлида


олиб бораётган ижодий

фаолиятингизга

муваффақиятлар тилаймиз!

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК

БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!



БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ



барча журналистларни,

оммавий ахборот

воситалари ходимларини

27 июнь — Матбуот ва

оммавий ахборот воситалари

ходимлари куну

муносабати билан

самимий табриклайди!

Ҳақиқат, адолат

ва холислик

ҳамиша иш

фаолиятингиз-

нинг асосий

мезони

бўлсин!



Машаққатли, айни
пайтда шарафли бўлган
ишларингизда ижодий
муваффақиятлар
тилаймиз!





ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! “Асака” банк (ОАЖ)

жамоаси мамлакатимизнинг барча журналистларини, матбаачилари ва нашриёт ходимларини касб байрами билан муборакбод этади ва қуйидаги миллий ва хорижий валюталардаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютада:

«ТАБИЛ 2014»

Омонат учун ҳисобланган фойзлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«БАРАКАЛИ»

Ҳисобланган фойзлар ҳар ойда тўланади.

«ИМТИЁЗЛИ»

Ҳисобланган фойзлар ҳар ойда коммунал хизматлар ва бошқа тўловларга (газ, электр энергия, иссиқ ва совуқ сув, иситиш, истеъмолад ва ипотека кредитлари тўловлари, олий ўқув юртлирида таълим олиш бўйича контракт тўловларига) йўналтирилади.

«СОҒЛОМ АВЛОД»

Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой бўлиб, ҳисобланган фойзлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Хорижий валютада:

«ШОДИЁНА» (АҚШ доллариди)

Омонатнинг сақланиш муддати 2 йил бўлиб, ҳисобланган фойзлар 1 йил ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОла)

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фойзлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк (ОАЖ) 90 дан ортиқ турдаги миллий ва хорижий валюталарда қулай шартларда омонатларни таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.


Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Авотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	257-44-10
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	298-02-10
Асака филиали	374	233-15-68
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-62-23
Олтириқ филиали	373	432-10-11
Қўқон филиали	373	552-61-06
Наманган вилоят филиали	369	226-91-45
Навоий вилоят филиали	436	770-24-09
Зарафшон филиали	436	573-18-75
Бухоро вилоят филиали	365	223-70-05
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Афросиёб филиали	366	221-75-40
Қашқадарь вилоят филиали	375	221-07-41
Сурхондарь вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-56
Хоразм вилоят филиали	362	226-96-03
Сирдарь вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!



«Асака» банк — сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар: litb@asakabank.uz



«ТРАСТБАНК»

хусусий очик акциядорлик биржа банки жамоаси

мамлакатимиз барча журналистларини, нашриёт ва матбаа соҳаси вакилларини **Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун**и муносабати билан муборакбод этади!



27 ИЮНЬ

— Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун



«ABU-SAXIY»

масъулияти чеклаган жамияти жамоаси

юртимиздаги барча матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини ҳамда фахрийларини касб байрамлари билан қизғин қутлайди!
Ижодларида муваффақиятлар тилайди.

Юртимиз равнақи, эл фаровонлиги, Ватанимиз ободлиги йўлидаги фидокорона ишларингизда доимо омад ёр бўлсин!



27-iyun — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун

KAPITALBANK
МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРИШ,
МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАМИЗ

«КАПИТАЛБАНК»
ОАТБ жамоаси

барча журналист, матбаачи ва нашриёт ходимларини касб байрами билан самимий муборакбод этади!

Сизларга узоқ умр,
сиҳат-саломатлик,
«Соғлом бола йили»да иқодингиз янада жўшқинлигини,
қаламингиз ўткирлигини тилаб қоламиз!

➤ **Ҳикматлар олами**
Илтифот
Кутилмаган илтифотнинг кам деганда учта хавфли панжаси борлигини биламан: биринчиси оризни мойлайди, иккинчиси кўзни бойлайди, учинчиси кўнглини лойлайди.
Теша тегмаган гап
“Теша тегмаган гап” дегани янги, фавқулодда муҳим гап эмас, негадир уни биз кўпинча шу макомда тушунамиз. Аслида эса пишмаган, хом, яъни тешаталаб гап. Ҳаётда бундай гаплар шу қадар кўпки, ҳаммамиз бошқа ишларни қўйиб, нукул теша тайёрлаш билан машғул бўлганимизда ҳам бу муаммони ҳал қила олмаймиз.

➤ Донолар Адолат ҳақида Адолатсизликдан қочиш яхшиликка хосдир, ёмонлик эса ундан қочмайди.
КЛЕОВУЛ, қадимги юнон мутафаккири

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Таҳрир хайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Зухра БОТИРОВА, Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Таълат МУРОДОВ, Тошпўлат МАТИВАЕВ, Алишер МУМИНОВ.

Баш муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували САЙБАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Ахборот, маънавият, халқаро ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146); Кабулхона — 288-42-23, 288-46-64 (141) факс; Котибият — 288-46-64 (144); Навбатчи муҳаррир — Қ.ҚУЛДОШЕВ Навбатчи — Ф.ХИДИРОВ

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100043,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани
«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgazet.uz / adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

«Шарқ» НМАК Босмахонасида чоп этилади. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қўроғ бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 600. Адади — 9374. Босишга топшириш вақти — 03.30. Босишга топширилади — 04.30.

1 2 3 5

Баҳоуси келишилган нархда